



ХРОНОНИМЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ТАСНИФИГА ДОИР

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.66.61.035>

Норқузиев Жамшид Шерпўлатович,

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш” факултети
Ёшлилар билан ишилаш бўйича декан ўринбосари*

Аннотация: мақолада хрононимларнинг мавзусига кўра турлари ҳақида баён қилинган. айниқса, унинг ҳарбий мавзудаги уруши номлари, жсанг номлари, мудофаа, юриши, операция, қўзгалон, исён, инқилоб, ҳаракат, қирғин ва шунингдек, сулҳ, шартнома, жасорат, конференция, конвенция, сиёсий-юридик ҳамда табиий ҳодис номлари, илмий хрононимлар ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: хрононимлар, таснифланиш, тавсиф, жой номлари, воқеа номлари, тарихий воқеа номлари, илмий хрононимлар, ҳарбий воқеликлар

ТЕМАТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ХРОНОНИМОВ

Норқузиев Джамшид Шерпўлатович,

*Ташкентский государственный университет имени Алишера Навои, Университет узбекского языка и литературы
Научный сотрудник факультета «Преподавание узбекского языка и литературы»*

Аннотация: в статье описываются типы хроник в зависимости от их тематики. в частности, упоминаются названия войны, названия сражений, обороны, Марша, операции, восстания, революции, движения, разрушения, а также названия Перемирия, договора, Мужества, Конференции, Конвенции, политico-правовых и природных явлений, научных хрононимов на его военную тему.

Ключевые слова: хрононимы, классификация, описание, топонимы, названия событий, названия исторических событий, научные хрононимы, военные реалии



THEMATIC CLASSIFICATION OF CHRONONYMS

Norkuziev Jamshid Sherpulatovich,

Tashkent State University named after Alisher Navoi

University of Uzbek Language and Literature

Researcher of the Faculty of» Teaching Uzbek language and Literature», Dean's Office for Youth Work

Abstract: the article describes the types of chronicles depending on their subject matter. in particular; the names of the war, the names of battles, defense, March, operation, uprising, revolution, movement, destruction, as well as the names of the Truce, treaty, Courage, Conference, Convention, political-legal and natural phenomena, scientific chrononyms on its military theme are mentioned.

Keywords: chrononyms, classification, description, toponyms, names of events, names of historical events, scientific chrononyms, military realities

Кириш. Хрононимлар объектив воқелик билан бевосита боғланган бўлиб, уларнинг мавзуий таснифида ушбу воқеликнинг қайси турини акс эттириши эътиборга олинади. Улар қандай мазмунни англатишидан қатъи назар, муайян вақт схемаси устуворлиги асосида бирлашади.

Тилшуносликда уруш ҳаракатлари билан хрононимлар алоҳида ўрин тутади. Улар хрононимларнинг бир қўриниши сифатида баталионимлар ҳам деб юритилади. Баталионимлар сирасида уруш номлари, жанг номлари, мудофаа номлари, юриш номлари, қирғин номлари кабиларга ажратилади:

Уруш номлари: Австрия–Туркия уруши, Австрия–Италия –Фрация уруши, Австрия–Пруссия уруши, Австрия–Франция уруши, Австрия–Италия уруши, АҚШ фуқаролар уруши, Александрия уруши, Америка Мексика уруши, Англия–Америка уруши, Англия бурлар уруши, Биринчи жаҳон уруши, Болқон уруши, Буюк уруш, Вандит урушлари, Голландия уруши, Грек–турк уруши, Грек–форс уруши, Етти йиллик уруш, Иккинчи жаҳон уруши, Инглиз–афғон уруши, Инглиз–француз–Хитой уруши, Инглиз–Хитой уруши, Испания–Америка уруши, Италия–Ефиопия уруши, Италия–Туркия уруши, Кавказ уруши, Қрим уруши, Ливания уруши, Марв уруши, Маркоман уруши, Пелопоннес уруши, Полша–Туркия уруши, Россияда фуқаролар уруши, Рус– афғон можароси, Рус–турк уруши, Рус–форс уруши, Рус–япон уруши, Техас уруши, Троя уруши, Ўттиз йиллик уруш, Франция–Вьетнам уруши, Франция–Пруссия уруши, Франсия–Россия уруши, Шимолий уруш, Юнон–форс уруши, Яшин тезлигидаги уруш.

Жанг номлари: Анқара жанги, Аустерми жанги, Бадр жанги,

Бородино жанги, Гавгамелла жанги, Фиждувон жанги, Граник жанги, Грюнвалд жанги, Гулнабод жанги, Гурумсой жанги, Данданакон жанги, Дархон жанги, Жанги лой (лой жанги), Жом жанги, Зирабулоқ жанги, Иқон жанги, Қирғиз дарёси бўйидаги жанг, Калка жанги, Канна жанги, Карри жанги, Каталаун жанги, Қатвон жанги, Кодисия жанги, Куликова жанги, Қундуз жанги, Курск жанги, Қўли Малик жанги, Лейпсиг жанги, Ленинград жанги, Малоярославес жанги, Марафон жанги, Марв жанги, Мариса жанги, Москва жанги, Моҳар жанги, Нева жанги, Никопол жанги, Нисо жанги, Панипат жанги, Парвона жанги, Сайё жанги, Саламин жанги, Синд дарёси бўйидаги жанг, Сталинград жанги, Талас жанги, Танаис дарёси бўйидаги жанг, Терек дарёси бўйидаги жанг, Трафалтар жанги, Ухуд жанги, Фермапил жанги, Ҳандақ жанги

Мудофаа номлари: Бухоро мудофааси, Самарқанд мудофааси, Урганч мудофааси, Ўтрор мудофааси, Хива мудофааси, Ерши мудофааси

Операция номлари: Берлин операсияси, Висла Одер операсияси, Манжурия операцияси. Булар сирасида миссия номлари ҳам ички таркибий қисм сифатида яшайди: Барбаросса режаси, Игнатев миссияси, Негри миссияси, Хоников миссияси, Шуман режаси каби.

Юриш номлари: Англия, Франсия, Истроилнинг Мисрга қарши агрессияси, Араблар истилоси, Россия истилоси, Бекович–Черкасский ҳарбий юриши, Бухоро босқини, Галл юришлари, Демодам юриши, Мўғуллар истилоси, Салиб юриши каби.

Шу билан хрононимларнинг бириничи гуруҳи ниҳоясига етади.

Иккинчи гуруҳга ҳаракат номлари, қўзғолон номлари, исён номлари, инқилоб номлари киради. Булар моҳиятан бошқарув ҳокимиятига қарши қаратилган бўлиб, давлат ва халқлараро урушлардан фарқ қиласади.

Қўзғолон номлари: Абрўй қўзғолони, Албан қўзғолони, Андижон қўзғолони, Бобак қўзғолони, Бобийлар қўзғолони, Бобо Ишоқ қўзғолони, Бобо Мирак қўзғолони, Бобон қўзғолони, Болотников қўзғолони, Ботир Срим қўзғолони, Бошқирд қўзғолони, Булавин қўзғолони, Восе қўзғолони, Ғурак қўзғолони, Деваштич қўзғолони, Декабр қуролли қўзғолони, Дукчи Эшон қўзғолони, Еттихўжа қўзғолони, Жиззах қўзғолони, Или қўзғолони, Ироқ қўзғолони, Ишоқ қўзғолони, Кахети қўзғолони, Кенесари қўзғолони, Крит қўзғалони, Қурбонжон Додҳоҳ қўзғолони, Қўқон қўзғолони, Малик Санжар қўзғолони, Марғиёна қўзғолони, Маҳдийчилар қўзғолони, Миёнқол қўзғолони, Москва қўзғолони, Муқанна қўзғолони, Патрона Халил қўзғолони, Пугачев қўзғолони, Пўлатхон қўзғолони, Разин қўзғолони, Рофе ибн Лайс қўзғолони, Самарқанд қўзғолони, Сарбадорлар қўзғолони, Сикхлар қўзғолони, Сицилиядаги қуллар қўзғолони, Совмак қўзғолони, Спартак қўзғолони, Спитамен қўзғолони, Тайпин қўзғолони, Тошкент қўзғолони,



Уот Тайлер қўзғолони, Ўрта Осиё қўзғолони, Хива қўзғолони, Ҳиндистон халқ қўзғолони, Ҳирот қўзғолони, Чимбой қўзғолони, Шарик қўзғолони.

Исён номлари: Вабо исёни, Осипов исёни каби.

Инқилоб номлари: Июл инқилоби, Боку коммунаси, Буюк француз инқилоби, Греция инқилоби, Или инқилоби, Инглиз инқилоби, Камолчилар инқилоби, Нидерландия инқилоби, Октябр инқилоби, Париж коммунаси, Россияда йиллар инқилоби, Феврал инқилоби, Зарғалдоқ инқилоб.

Тарихшунослиқда баъзан баталионимлар сирасига киритиладиган, баъзан улардан ташқарида қараладиган хрононимларнинг бир тури – исён номлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни омонимик хрононимлар сифатида қараш маъқул. Чунки улар уруш ҳаракатларини ҳам, ижтимоий–сиёсий ҳаракатларни ҳам ифодалаши билан характерланади. Уларнинг айримлари ҳарбий–уруш маъноси кучайган ҳолда намоён бўлса, бошқаларида у кучсиз юзага чиқади. Шу боисдан ҳаракат хрононимларини оралиқ ҳодисалар сифатида қараш тарафдоримиз:

Ҳаракат номлари: Абу Муслим ҳаракати, Бобийлик ҳаракати, Босмачилик ҳаракати, Гусчилар ҳаракати, Дугуйлан ҳаракати, Жадидчилик ҳаракати, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати, Қизил ва оқ гуллар ҳаракати, Кутайба ибн Муслим ҳаракати, Маздакийлар ҳаракати, Мардикорлик ҳаракати, Погуош ҳаракати, Ровшанийлар ҳаракати, Сарбадорлар ҳаракати, Сунбад ҳаракати, Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат, Шомил ҳаракати.

Қирғин номлари: Амрисар қирғини, Қипчоқ қирғини.

Алоҳида шахс ёки халқларнинг тарихий қаҳрамонликлари ҳам хрононимлар сифатида тарих зарқарақларидан ўрин олган. Улар қуидагилар:

Жасорат номлари: Бобобек жасорати, Жалолиддин жасорати, Жўрабек жасорати, Мадаминбек жасорати, Массагетлар жасорати, Номоз Пиримқулов жасорати, Спитамен жасорати, Темур Малик жасорати, Тўмарис жасорати, Широқ жасорати.

Учинчитип хрононимлар дипломатикохияти билан характерланади. Улар сирасига шартнома, конференсия, конвенсия, декларация номлари киради.

Шартнома номлари: Австрия –Германия шартномаси, Адринапол сулҳ шартномаси, Айгун шартномаси, Англия–Миср шартномаси, Англия–Россия битимлари, Англия–Совет–Эрон шартномаси, Англия–Трансиордания шартномаси, Берлин пакти, Брест сулҳи, Бреттон Вудс битими, Брюссел шартномаси, Бухарест тинчлик шартномаси, Варшава шартномаси, Версал сулҳ шартномаси, Ганданак шартномаси, Гандимиён шартномаси, Ганжа шартномаси, Германия–Италия

шартномаси, Константинопол шартномаси, Рандия сулҳи, Россия—Бухоро шартномалари, Россия—Хива сулҳ шартномаси

Конференция номлари: Алхесерас конференцияси, Бангдун конференцияси, Берлин конгресси, Берлин конференцияси, Вашингтон конференцияси, Вена конгресси, Касабланка конференцияси, Крим конференцияси, Лозанна конференцияси, Сан-Франциско конференцияси, Техрон конференцияси.

Конвенция номлари: Аккерман конвенцияси, Англия—Германия декларацияси, Атлантика хартияси, Вена конвенциялари, Гаага конвенциялари.

Юқорида саналган барча хрононимлар сиёсийлик белгиси билан изоҳланади.

Навбатдаги хрононимлар сиёсий—юридик моҳияти билан характерланади:

Сиёсий—юридик воқелик номлари: Нюренберг суд жараёни, Уортеррейт иши, Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш каби.

Табиий ҳодиса номлари: Андижон зилзиласи, Бурчмулла зилзиласи, Газли зилзиласи, Гужарот зилзиласи, Ёркент зилзиласи, Жалолобод зилзиласи, Жамбул зилзиласи, Избоскан зилзиласи, Исфара—Боткент зилзиласи, Қайроқкум зилзиласи, Канто зилзиласи, Кебин зилзиласи, Коратоғ зилзиласи, Краснаводск зилзиласи, Қумтоғ зилзиласи, Кучан зилзиласи, Маркай зилзиласи, Мессина зилзиласи, Наманган зилзиласи, Олма-ота зилзиласи, Писком зилзиласи, Поп зилзиласи, Руминия зилзиласи, Сан—Франциско зилзиласи, Сарез зилзиласи, Скопе зилзиласи, Спитак зилзиласи, Товоқсой зилзиласи, Тошкент зилзиласи, Тяншан зилзиласи, Ўзган зилзиласи, Ўратепа зилзиласи, Ҳайит зилзиласи, Чили зилзиласи, Чимён зилзиласи, Чотқол зилзиласи каби.

Илмий хрононимлар: Бухоро экспедицияси, Искандар кўл экспедициялари, Перовский экспедицияси каби.

Хрононимларнинг таснифи бу билан ниҳоясига етмайди. Шунингдек, уларнинг ички бўлинишлари ҳам мавжуд бўлиб, у маҳсус мавзу асосида тадқиқ қилиниши лозим. Ўзбек тилида хрононимлар лугати, шунингдек, унинг миллий тил корпуси учун электрон вариантлари яратилиши давр талаби ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Реммер С.А. Хрононимы как особый разряд собственных имен: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук –Днепропетровск, 2005. – С. 3.
2. Канна В.Ю. Из наблюдений над функционированием как хрононимов как топонимов–батлонимов // Филологические исследования, 2006, – № 8. – С. 211.
3. Ўзбек тилининг Миллий энциклопедияси 2001. – 448 б.